

**«ЎҚУВЧИ- ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШДА  
Фойдаланиладиган Интерфаол Усуллар»**

*Худойбердиева Қизлархон Оқмирзаевна  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри  
Сирғали тиббиёт коллежи етакчи ўқитувчиси*

*“Маънавият – жамиятдаги барча сиёсий ижтимоий уносабатларнинг  
мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир”*

*Ш. Мирзиёев*

Бугунги кунда юртимиз “Янги Ўзбекистон Учинчи Ренесанс сари” шиори остида ривожланаётган бир пайтда таълим тарбия ва маънавий юксалиш, ўқувчи ёшлар маънавиятини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўзлгимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантурсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.”

Ўқувчи ёшлар маънавиятини оширишда эски умумий, мавҳум, натижасиз ёндашувлардан воз кечиб, бугунги талабларга чидамли, таянч компетенциялар, фазилатлар, интерфаол усуллар асосида шакллантиришни талаб этмоқда. Инноватция ва илғор фикрлаш тараққий этаётган бир вақтда ўқувчи ёшларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масъулият, мажбурият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, теран дунёқараш соғлом эътиқодлилиқ диний ва миллий бағрикенглик, маънавий фазилатларни шакллантириш кун тартибидаги асосий вазифаларга айланиб қолмоқда. Таълим муассасаларида биргина “Тарбия” фанини ўқитилиши ўқувчи ёшлар маънавиятини шакллантиришда янгича ёндашув ва интерфаол методлардан фойдаланиш самарали ташкил этилмоқда.

Жумладан,

- ўқувчи ёшлар маънавиятини оширишда “Буюк аждодларимиз меросидан фойдаланиш”. Уларнинг асарларидан парчалар келтириш маънавий фазилатларни акс этган фикрларини излаб топиш орқали ўқувчида интерфаолликни ошириш ва манба билан ишлаш кўникмаларини

шакллантириш,

- маънавий фазилатлар акс этган мақолларни топиш ёки берилган мақолларни давом эттириш усули,

- буюк алломаларнинг ҳикматли сўзлари ўқилади ва кимга тегишли эканлиги ўқувчи томонидан излаб топиш усули,

- “Саҳналаштириш” яхши фазилатлар ва ёмон иллатлар акс этган воқеаларни саҳналаштириш ва ўзаро таққослаш. Ўқувчиларда сўз бойлиги, саҳна маданияти, актёрлик маҳорати гуруҳ билан ишлаш кўникмалари шаклланади,

- “Ақлий хужум” ёки “тезкор савол-жавоб” усули. Ўқувчиларни интерфаолликка чорлайди, тезкорлик ва мавзуларни такрорлашга ундайди

- “Ягона давра методи” ўқувчилар давра қуриб ўтиришлари, ўртага ташланган савол ёки муаммо юзасидан ўз тушунчаларини баён этишлари лозим. Бу ўқувчиларнинг ўз тушунчаларини баён этишлари, ўз фикрларини ёқлашлари ва гуруҳ билан ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

- “Тақдимот методи” ўрганилаётган мавзу компьютер хизматидан фойдаланган ҳолда тақдимотлар мажмуаси ёрдамида очиб берилишини таъминлайди. Бунда ўқувчини бирор мавзу юзасидан мустақил ишлаши ва изланиши талаб этилади.

- “Танқидий фикрлаш методи” ўқувчиларни кўпроқ дарсларда баҳсли тортишувларга сабаб бўладиган муаммолар ечимини топишга жалб этиш лозим. Рўй бераётган воқеликка танқидий фикрлаш кўникмаси шаклланади.

Ушбу методлар ўқувчи- ёшларни тайёр билимларни ўзлаштириб олишга эмас, аксинча ўқувчи билимни қидириб топишга эришиш, ўз хулосаларини чиқара олишга ўргатиш, танқидий муносабат билдира олишга эришиш бугунги кунда инноватцион таълим технологиялардан фойдаланишнинг бош мақсадига айланмоқда.

Ёш авлодга замонавий билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш, иқтидори қобилияти ва интелтуал салоҳиятини ўстириш учун зарур бўлган барча имкониятларни яратиш айна пайтда уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, эзгу фазилатларга садоқат руҳида тарбиялаш масаласи давлатнинг доимий эътиборига олинди. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Тарғиботнинг илмий асосланган замонавий технологиялари ва янги шакллари, таҳдидларга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқадиган вақт келди, деб ҳисоблайман. Такрор айтаман: илмга асосланмаган соҳанинг келажаги бўлмади”

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш инновацион педагогикани келтириб чиқарди. Педагогика инновацияда “янги”тушунчаси марказий ҳисобланиб, педагогик фанда-хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади. Илмий йўналишларда янгилик ва инновация

тушунчалари фарқланади. Янгилик –бу восита, янги метод, методика, технология ва бошқалар киради.

“Инновация”- бу таълим маълум босқичлари бўйича ривожланадиган жараён. Инновацион жараённинг муҳим шартлари ўз-ўзини бошқариш ўз-ўзини сафарбар қилиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири ўқувчи, талаба, тингловчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилади. Бу фаолият иштирокчиларининг ижтимоий фаолликларини ривожлантиради. Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педогогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда.

Юртимизда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда, хорижий мамлакатлар Сингапур, Япония, Франция, Хитой, Австралия, Корея, Германия каби давлатларнинг тажрибалар ўрганилиб, ўқув дастурлари хар томонлама қиёсий таҳлил қилиниб амалиётга жорий этилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т- “Ўзбекистон”. 2021. 267 бет
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлмизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд-Т “Ўзбекистон”. 2017. 146 бет